

**ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ЖУРНАЛИ**
6 ЖИЛД, 9 СОН

**ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ
ИССЛЕДОВАНИЙ**
ТОМ 6, НОМЕР 9

**JOURNAL OF LAW
RESEARCH**
VOLUME 6, ISSUE 9



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:
д.ю.н., проф.
(Doctor of Law, Professor)
Абдурасулова Қумринисо Раимқуловна

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:
д.ю.н., доцент
(Doctor of Law, Associate professor)
Файзиев Шохруд Фармонович

Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет журнала Правовых исследований
Editorial Board Journal of Law research

12.00.01 - Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи / Теория права и государства, История правовых учений / Theory of law and state, History of legal doctrines

ю. ф. д., проф. Ҳалимбой Бобоев
ю. ф. д., проф. Ахмедшаева Мавлюда
ю. ф. д., проф. Муҳиддинова Фирюза
ю. ф. д., проф. Адилходжаева Сурайё
ю. ф. д., проф. Сатторов Абдуғаффор

Yosuke Shamoto (Japan)
д.ю.н., проф. Артур Гамбарян
(Республика Армения)

12.00.02 - Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи / Конституционное право; административное право; финансовое право / Constitutional Law; administrative law; financial right

ю. ф. д. Гулчехра Маликова
ю. ф. д. Хусанов Озод
ю. ф. н. Хван Леонид Борисович
ю. ф. д. Силиманова Светлана

Sung Un Lee (South Korea)
д.ю.н., доц. Пешкова Христина Вячеславовна
(Российская Федерация)

12.00.03 - Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ / Гражданское право; предпринимательское право; семейное право; международное частное право / Civil law; Business law; family law; Private international law

юримдик фанлар доктори, профессор
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган юрист Окюлов Омонбой,
Рузиев Рустам, Рузиназаров Шухрат,
Шомухамедова Замира, Баратов
Миродил, Бобокул Тошев

Dr. Ahmad Issa Altweissi (Jordan)

12.00.04 - Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Хўжалик процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик жараёни ва медиация / Гражданское процессуальное право; хозяйственное процессуальное право, арбитражный процесс и медиация / Civil Procedure Law; Economic procedural law, arbitration process and mediation

юримдик фанлар доктори, профессор,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган юрист Эсанова Замира
Нормуродовна, Мамасидиков Музаффар

Jason A. Cantone Federal court center (USA)

12.00.05 - Мехнат ҳуқуқи. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи / Трудовое право; право социального обеспечения / The Labor law; Social security law

ю.ф.д., проф. Усманова Муборак Акмалхановна
ю.ф.н., доц. Гасанов Михаил Юриевич
ю.ф.н., доц. Сатторова Гулноза
ю.ф.н., доц. Муродова Гулнора

д.ю.н., проф. Денисов Глеб
(Российская Федерация)

12.00.06 - Табиий ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ. Экологик ҳуқуқ / Природоресурсное право; аграрное право; экологическое право / Natural resource law; Agrarian law; Environmental law

Ю.ф.д., проф. Файзиев Шухрат Хасанович,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган
юрист ю.ф.н, доц. Скрипников Николай
Кузмич, ю.ф.д., проф. Усмонов Муҳаммади
Бахридинович, ю.ф.д., проф. Холмўминов
Жума, ю.ф.д., проф. Жўраев Юлдаш
Ачилович

Долгополов Кирилл Андреевич
(Российская Федерация)

12.00.07 - Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура / Судебная власть. Прокурорский надзор. Организация правоохранительной деятельности. Адвокатура / The judicial authority. Prosecutor supervision. Organization of law enforcement activities. Advocacy

Ю.ф.д., проф. Пўлатов Бахтиёр Халилович,
Ю.ф.д. Саломов Баҳром Саломович,
ю.ф.д., проф. Салаев Нодирбек Сапарбаевич
(Тошкент давлат юридик университети)

James V. Eaglin Федерал суд Маркази (АҚШ)
д.ю.н., проф. Кайрат Осмоналиев (Қирғизистон
Республикаси) к.ю.н., доц. Сергей Шошин
(Российская Федерация), д.ю.н., проф. Алексей
Кибальник (Российская Федерация), д.ю.н., проф.
Кудрявцев Владислав Леонидович (Российская
Федерация)

**12.00.08 - Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи /
Уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право /
Criminal law and criminology; Criminally-executive law**

Ю.ф.д., проф. Кабулов Рустам, Ўзбекистон
Республикасида хизмат кўрсатган юрист,
ю.ф.д., проф., Рустамбаев Мирзаюсуп
Ҳакимович, ю.ф.д., проф. Ражабова Мавжуда
Абдуллаевна, ю.ф.д., проф. Зуфаров Рустам
Ахмедович, ю.ф.д., проф. Тахиров Фарход,
ю.ф.д., проф. Исмоилов Исомиддин,

Matthew Light (Canada), проф. Юлдошев Рифат
Раҳмаджонович (Республика Таджикистан),
д.ю.н., проф. Елене Антонян Александровна
(Российская Федерация), д.ю.н., проф.
Джансараева Рима Ернатовна (Республика
Казахстан), Кирил (Российская Федерация)

**12.00.09 - Жиноят процесси. Криминалистика. тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси /
Уголовный процесс, криминалистика, оперативно-розыскное право и судебная экспертиза / Criminal
procedure, criminalistics, operative-search law and judicial examination**

Ю.ф.д., проф. Иноғомжонова Зумратхон
Фатхуллаевна, ю.ф.д., проф. Пўлатов Юрий
Сайфиевич, ю.ф.д. Мухиддинов Фахриддин,
ю.ф.д., проф. Тўлаганова Гулчехра Заҳитовна,
ю.ф.д. Миразов Даврон

Kevin Curtin (USA), Jurgen Maurer (Germany),
д.ю.н., проф. Стойко Николай Генадьевич
(Российская Федерация), Проф. Рыжаков
Александр Петрович (Российская Федерация),
д.ю.н., проф. Зайниддин Искандаров (Республика
Таджикистан), Проф. Сергей Пен (Республика
Казахстан), доц. Алексей Пурс (Республика
Беларусь)

12.00.10 - Халқаро ҳуқуқ / Международное право / International law

ю.ф.д., проф. Исмоилов Баҳодир,
ю.ф.д., проф. Маткаримов Гулчехра,
ю.ф.д., проф. Юлдашева Говхержан

Alexander Trunk (Germany)

Мусаҳҳих: Нурмуҳаммад Ҳамидов

Дазайн - саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Кудрявцев Игорь Владимирович ПОНЯТИЕ И СУЩНОСТЬ СТРАТЕГИЧЕСКОГО ПАРТНЕРСТВА МЕЖДУ ГОСУДАРСТВАМИ.....	5
2. Абдуллаева Мафтуна Мурот қизи КОНСТИТУЦИЈАВИЙ СУД ТОМОНИДАН ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ШАРҲЛАШНИНГ АЙРИМ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ.....	16
3. Исломқулова Шохсанам Ваҳобжон қизи ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИДА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ. ФУҚАРОЛИК ВА МЕҲНАТ ШАРТНОМАЛАРИНИНГ ФАРҚЛАРИ.....	25
4. Хаджаева Саодат Анваровна ЭЛЕКТРОН МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИНГ АҲАМИЯТИ.....	33
5. Шокиров Ойбек Азизжон угли ТРУДОВЫЕ СПОРЫ И ПОРЯДОК ИХ РАЗРЕШЕНИЯ: ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ.....	41
6. Abdusamiyeva Dilrobo Abduvaxob qizi POSTPENITENSIAR RESOTSIALIZATSIYA MAZMUNI VA UNING IJTIMOIIY ZARURATI.....	50
7. Отегенова Луиза Жолдасбаевна ҚИЛМИШНИНГ ЖИНОЙЛИГИНИ ИСТИСНО ҚИЛУВЧИ ҲОЛАТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА УМУМИЙ ТАВСИФИ.....	57
8. Базарова Дилдора Бахадировна ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ШАХС ҲУҚУҚЛАРИ ПРОЦЕССУАЛ КАФОЛАТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ.....	65
9. Джураева Захро Тулкуновна ЎЗБЕКИСТОННИНГ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 76-ЧИ СЕССИЯДАГИ ТАШАББУСЛАРИ.....	73
10. Камиллов Ойбек Хамиджонович ГЛОБАЛЬНЫЕ И РЕГИОНАЛЬНЫЕ ТЕНДЕНЦИИ В ОБЛАСТИ МИГРАЦИИ, ДЕНЕЖНЫЕ ПЕРЕВОДЫ И ИХ ЗНАЧЕНИЯ В НАЦИОНАЛЬНОМ СЕГМЕНТЕ.....	80
11. Хамдамова Фируза Уразалиевна, Джураева Захро Тулкуновна ВЫПОЛНЕНИЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ ОБЯЗАТЕЛЬСТВ ПО ИСКОРЕНЕНИЮ БЕДНОСТИ И НИЩЕТЫ.....	89
12. Nosirov Barxayot Murodjonovich ShNT – XALAQARO – HUKUMATLARARO MINTAQAVIY TASHKILOT SIFATIDA: MARKAZIY OSIYODA XAVFSIZLIKNI TA’MINLASHDAGI ROLI.....	96


ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

12.00.09-УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС. КРИМИНАЛИСТИКА, ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЕ ПРАВО И СУДЕБНАЯ ЭКСПЕРТИЗА

Базарова Дилдора Бахадировна,
Тошкент давлат юридик университети
“Жиноят-процессуал ҳуқуқи” кафедраси мудири,
Юридик фанлар номзоди, профессор.
E-mail: d.bazarova@tsul.uz

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ШАХС ҲУҚУҚЛАРИ ПРОЦЕССУАЛ КАФОЛАТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ

For citation: Bazarova Dildora Bakhadirovna. THEORETICAL AND LEGAL FRAMEWORK OF PROCEDURAL GUARANTEES OF PERSONAL RIGHTS IN A CRIMINAL PROCEDURE. Journal of Law Research. 2021, 6 vol., issue 9, pp. 65-72

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2021-9-8>

АННОТАЦИЯ

Суд-ҳуқуқ соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек аҳолининг одил судловга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотларнинг мазмунини шахс ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш ташкил қилади. Шунга кўра, ушбу мақолада жиноят процессида шахс ҳуқуқлари процессуал кафолатларининг назарий ва ҳуқуқий асослари назарий ва амалий таҳлилий-маълумотлар асосида тадқиқ этилган. Шунингдек, мақолада жиноят процессида шахс ҳуқуқлари процессуал кафолатларининг назарий жиҳатлари бўйича олимларнинг илмий қарашлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ҳуқуқ, қонун, норматив, жиноят, жиноят процесси, тергов.

Базарова Дилдора Бахадировна,
Заведующая кафедрой «Уголовно-процессуального права»
Ташкентского государственного юридического университета,
Кандидат юридических наук, профессор
E-mail: d.bazarova@tsul.uz

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ЗАКОНОДАТЕЛЬНЫЕ ОСНОВЫ ПРОЦЕССУАЛЬНЫХ ГАРАНТИЙ ПРАВ ЛИЧНОСТИ В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ

АННОТАЦИЯ

Обеспечение надежной защиты прав, свобод и законных интересов граждан в судебной системе, а также дальнейшее укрепление доверия общества к правосудию, содержание правовых реформ заключается в обеспечении прав личности. Соответственно, в данной статье

исследуются теоретические и правовые основы процессуальных гарантий прав личности в уголовном процессе на основе теоретических и практических аналитических данных. В статье также анализируются научные взгляды ученых на теоретические аспекты процессуальных гарантий прав личности в уголовном процессе.

Ключевые слова: право, закон, норматив, преступление, уголовный процесс, расследование.

Bazarova Dildora Bakhadirova,
Head of Criminal-Procedural Law Department
of Tashkent State University of Law,
PhD in Law, Professor.
E-mail: d.bazarova@tsul.uz

THEORETICAL AND LEGAL FRAMEWORK OF PROCEDURAL GUARANTEES OF PERSONAL RIGHTS IN A CRIMINAL PROCEDURE

ANNOTATION

Ensuring reliable protection of the rights, freedoms and legitimate interests of citizens in the judicial system, as well as further strengthening public confidence in justice, the content of legal reforms is to ensure the rights of the individual. Accordingly, this article examines the theoretical and legal foundations of procedural guarantees of individual rights in criminal proceedings on the basis of theoretical and practical analytical data. The article also analyzes the scientific views of scientists on the theoretical aspects of procedural guarantees of individual rights in criminal proceedings.

Keywords: law, law, standard, crime, criminal procedure, investigation.

Ўтган давр мобайнида жиноят-процессуал соҳада шахс ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳуқуқий тизими яратилган бўлиб, бу бўйича 10дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Таъкидлаш лозимки, жиноят-процессуал қонунчилигида “шахснинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш”, “фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш” жиноят процессининг принциплари сифатида кўрсатиб ўтилган. Ушбу тамойилларни таъминлашнинг ҳуқуқий чора-тадбирлари сифатида мамлакатимизда қатор қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилди ҳамда халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди.

1. Шахс ҳуқуқлари процессуал кафолатларининг ҳуқуқий асослари. “БМТнинг «Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга қарши Конвенцияси» (Нью-Йорк, 1984 йил 10 декабрь)га Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 31 августда қўшилган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 13-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Асосиқ қонуннинг ушбу нормасидан келиб чиқиб, ҳуқуқнинг бошқа соҳалари каби жиноят процессида ҳам шахс ҳуқуқларининг кафолатлари бўйича қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Жиноят-процессуал кодексида шахс ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қатор нормалар мавжуд.

Хусусан, мазкур кодекснинг 18-моддасида жиноят ишини юритиш учун масъулиятли барча давлат органлари ва мансабдор шахслар жиноят процессида қатнашаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишлари шартлиги белгиланган.

“Айбсизлик презумпцияси” деб номланган Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланиши кўрсатиб ўтилган.

Қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбсизлик презумпцияси каби конституциявий принципларни сўзсиз ва

оғишмай таъминлаш, суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилигини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Фармони қабул қилинди.

Фармонга кўра, “процессуал қонунчилик нормаларини бузган ҳолда олинган гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг кўрсатувлари, эксперт ҳулосаси, ашёвий далиллар, аудио ва видеоёзув ҳамда бошқа материаллардан далил сифатида фойдаланиш тақиқланиши кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, ушбу қонун ҳужжати билан шахсни ноқонуний ушлаб туриш, камокқа олиш, жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукм қилишга сабаб бўлган, ҳужжатлар ёки ашёларга била туриб ёлғон маълумотлар ва бошқа бузиб кўрсатилган фактларни киритиш, ҳақиқатга тўғри келмайдиган кўрсатув беришга мажбурлаш, иш бўйича ҳақиқий ҳолатларни бузиб кўрсатиш орқали далилларни қалбакилаштирганлик учун, ёлғон гувоҳлик ва ёлғон хабар берганлик учун жавобгарликни кучайтиришни назарда тутган ҳолда, жиноий жавобгарлик киритилиши белгиланди”[1].

Ушбу нормалар юзасидан 2018 йил 4 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-470-сон Қонуни билан Жиноят кодекси 230¹ ва 230²-моддалар, яъни далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) ва тезкор-қидирув фаолияти натижаларини сохталаштириш (қалбакилаштириш) каби моддалари билан тўлдирилди.

Сиртдан камокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган ушланган шахс тегишли ваколатли органга етказилган вақтдан бошлаб етмиш икки соат ичида мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги ажрим устидан суд тартибида шикоят қилиш ҳуқуқига эгаллиги Фармон билан белгиланди.

Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида, 2019 йил 14 январда Ўзбекистон Республикасининг **“Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”**ги Қонуни қабул қилинди.

Ушбу Қонун билан ҳимоя қилинувчи шахсларнинг аниқ рўйхати берилди, яъни жабрланувчи ва унинг қонуний вакили, гувоҳ, жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакиллари, маҳкум, оқланган шахс, ўзига нисбатан жиноят иши тугатилган шахс, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, эксперт, мутахассис, таржимон ва холис ҳамда буларнинг шахсларнинг оила аъзолари ва яқин қариндошлари ҳам ҳимоя қилинувчи шахслар бўлиши мумкин.

Қонунга кўра, ҳимоя қилинувчи шахс тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш; шахсни, уй-жойни ва бошқа мол-мулкни қўриқлаш; ҳимоя қилинувчи шахсга махсус индивидуал ҳимоя воситаларини ва техник воситаларни бериш; вақтинчалик хавфсиз жойга жойлаштириш; бошқа яшаш жойига кўчириш, иш (хизмат) ёки ўқиш жойини ўзгартириш; ҳужжатларни алмаштириш; ҳимоя қилинувчи шахс тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилишини чеклаш; камокда ёки жазони ўташ жойларида сақланаётган ҳимоя қилинувчи шахсга нисбатан қўшимча хавфсизлик чораларини таъминлаш хавфсизлик чоралари этиб белгиланди.

Бундан ташқари, 2019 йил 6 декабрдаги **“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги Қонун билан, Жиноят-процессуал кодекси қуйидаги норма билан тўлдирилди, яъни вояга етмаган гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки жабрланувчининг илтимосига кўра, ишда ушбу нормада назарда тутилган шахслар билан бир қаторда унинг катта ёшдаги яқин қариндошларидан бирининг ёки ўзи ишонадиган бошқа шахснинг қонуний вакил сифатида иштирок этишига йўл қўйилиши мумкин.

Ушбу Қонун билан “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни “Жиноят процессининг иштирокчиси бўлган бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари” деб номланувчи модда билан тўлдирилди.

Мазкур ўзгартиришларга кўра, Давлат судга қадар иш юритишнинг ва суд муҳокамасининг барча босқичларида болаларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган барча процессуал ҳуқуқларига риоя этилиши ҳамда бу ҳуқуқлар кафолатларининг таъминланиши бўйича чоралар кўради.

Болага ҳар қандай руҳий ёки жисмоний таъсир ўтказиш, уни кўрсатмалар беришга ёки айбини тан олишга мажбурлаш тақиқланади.

Судга қадар иш юритиш ва суд муҳокамаси жараёнида болаларга нисбатан улар қонуний вакилларининг иштирокисиз амалга ошириладиган процессуал ҳаракатларни бажариш тақиқланади. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда вояга етмаган шахсга нисбатан процессуал ҳаракатлар унинг катта ёшдаги яқин қариндоши, педагог ёки ушбу шахснинг бошқа қонуний вакили иштирокида амалга оширилиши мумкин.

Вояга етмаган шахснинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар бўйича судга қадар иш юритишнинг ва суд муҳокамасининг барча босқичларида ҳимоячининг иштирок этиши шарт. Боланинг ва унинг қонуний вакилларининг ҳимоячидан воз кечиши ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Шунингдек, 2020 йил 14 майдаги ЎРҚ-617-сон Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Мазкур Қонун билан Жиноят-процессуал кодексининг 91-моддасининг тўртинчи қисми шахс ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қатор ўзгартиришлар киритилди, шу жумладан шахсни ушлаш жараёнида ўтказиладиган шахсий тинтув ва олиб кўйиш ва ҳимоячидан воз кечиш, шахсни ушлаш, тинтув, тергов эксперименти, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш каби процессуал ҳаракатлар видеоёзув орқали қайд этилиши шартлиги мазмунида таҳрир этилиши кўрсатиб ўтилди.

Қонун билан Жиноят-процессуал кодексининг 217-моддаси суриштирувчи, терговчи, прокурор гумон қилинувчига, айбланувчига нисбатан ушлаб туриш тарзидаги, суд эса қамокқа олиш, уй қамоғи ёки экспертиза ўтказиш учун шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллаганида шахсга нисбатан қўлланилган процессуал мажбурлов чораси ҳамда унинг ушлаб турилган жойи тўғрисида дарҳол оила аъзоларидан бирига, улар бўлмаган тақдирда эса бошқа қариндошларига ёки яқин кишиларига хабар бериши, шунингдек бу ҳақда иш ёхуд ўқиш жойига маълум қилиши шартлиги мазмунидаги таҳрирда баён этилиши белгиланди.

Жиноят-процессуал кодексининг 225-модданинг биринчи қисмига киритилган ўзгартиришларга кўра, Ушлаб турилган шахс ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан сўнг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг навбатчиси ёки бошқа ходими ушлаб туриш баённомасини бошлиқнинг кўрсатмасига биноан дарҳол тузиши керак.

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш бўйича қонун ҳужжатларининг мантиқий давоми сифатида, 2020 йил 10 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Фармон жиноят ишларини тергов қилиш фаолиятини халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда яхшилаш, қонун устуворлиги ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларини рўёбга чиқариш, жиноят-процессуал қонунчилигини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди.

Фармон билан шахсни ғайриқонуний ҳаракатлар содир этишга ундаш ва бундай ундаш оқибатида содир этилган жиноят учун уни айблаш; ушланган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг яқин қариндошларини процесс иштирокчиси сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақириш ва сўроқ қилиш; суриштирув ва дастлабки тергов органлари ходимлари томонидан мазмунан кўриб чиқиш учун судга юборилган жиноят иши доирасида судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва бошқа суд процесси иштирокчиларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақириш ёки сўроқ қилиш тақиқланди.

Шу билан бирга, Фармон билан қуйидагилар белгиланди:

тезкор-кидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ходимлари томонидан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчидан ариза, тушунтириш ёки кўрсатувлар олишни мазкур жиноят иши юритишда бўлган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг ёзма рухсатига асосан ва фақат ҳимоячи иштирокида амалга ошириш (белгиланган тартибда ҳимоячидан воз кечилган ҳоллар бундан мустасно);

жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаб туриш муддатини у ҳақиқатда ушланган вақтдан бошлаб ҳисоблаш;

шахс амалда ушланган ёки уни жиноят устида ушлаш билан боғлиқ тезкор тадбир амалда яқунланган ёхуд гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги ҳақидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб у билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни ўтказишдан олдин унинг адвокат билан холи учрашиши таъминланиши шартлигини белгилаш;

айбига иқдорлик бўйича келишув институтини жорий қилиш. Бунда, айрим жиноятлар тоифалари бўйича шахс айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган ҳолларда суриштирув ва дастлабки тергов органлари билан ёзма келишув тузилиши ҳамда унга нисбатан суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан кўп бўлмаган миқдори ва (ёки) муддатигача жазо тайинлаш;

жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида гувоҳ ва жабрланувчини оғир касаллиги ёки узоқ муддатга чет давлатга чиқиб кетиш зарурати туфайли кечроқ сўроқ қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, уларнинг кўрсатувларини гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, прокурор ёки адвокатнинг илтимосномасига кўра суд томонидан тарафларнинг иштирокида олдиндан мустақамлаб кўйиш (депонирование) тартибини жорий қилиш;

ўта оғир жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларга оид ишлар бўйича, шунингдек, шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи кўриб чиқиляётганда ҳимоячининг иштирок этиши шартлигини белгилаш.

2. Шахс ҳуқуқлари процессуал кафолатларининг назарий асослари. Жиноят процессида шахс ҳуқуқлари процессуал кафолатларининг назарий асосларининг мазмун-моҳиятини тадқиқ этишда, “шахс ҳуқуқлари” категориясига тавсиф берилиши мақсадга мувофиқ.

Шунга кўра, тадқиқот ишларида шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари юзасидан олим ва мутахассислар томонидан назарий ёндашувлар илгари сурилган.

“Шахс ҳуқуқлари” категорияси бўйича айрим адабиётлар таҳлилига тўхталадиган бўлсак, Юридик атамалар комусий луғатида, айнан мазкур тушунча келтирилмаган бўлсада, “шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар” тушунчасига “инсонга унинг ижтимоий ва ҳуқуқий мақомидан қатъий назар туғилгандан мансуб бўлган асосий ҳуқуқлари” [2], деб таъриф берилган.

Жиноят процессида **шахс ҳуқуқлари ва уларнинг процессуал кафолатлари** тушунчалари чет эл процессуалист тадқиқотчи-олимлар томонидан қуйидагича ҳуқуқий тавсиф берилган.

Л.Д.Кокореванинг фикрича, жиноят-процессуал кафолат – бу жиноят процессида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш юзасидан одил судловга йўналтирилган ҳамда қонунчилик билан ўрнатилган ҳуқуқий воситалар тизими [3].

К.Ф.Гуценконинг таъкидлашича, жиной процессуал кафолатлар – бу жиноят процессида иштирок этаётган иштирокчилар фаолиятида қонунга аниқ ва бир хилда риоя этилишини таъминлаш, мақсадларга эришиш ва ҳал қилиш учун ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш шартлари, воситалари ва усуллари [4].

П.А.Лупинской томонидан процессуал кафолатлар тушунчасига берилган назарий таъриф кўпроқ аниқ бўлиб, унга кўра бу ҳуқуқий нормаларда мавжуд бўлган ҳуқуқий воситалар бўлиб, улар жиноят процессуал фаолиятининг барча субъектларига мажбуриятларни бажариш ва берилган ҳуқуқлардан фойдаланиш имкониятини беради [5].

С.Ю.Францифорова эса, процессуал кафолатлар тушунчасига “жиноят ишлари бўйича суд иш юритувидаги вазифаларни амалга оширишни таъминловчи қонун билан белгиланган ҳуқуқий воситалар тизими” деб таъриф берган [6].

Ушбу олимлар томонидан жиной процессуал кафолатлар тушунчасига берилган ҳуқуқий таърифларга қўшилган ҳолда, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган барча ҳуқуқий нормалар ва ҳуқуқий воситалар йиғиндиси сифатида тушуниш мумкин.

Жиноят иши юритуви босқичларида, хусусан жиноят ишини кўзғатишдан бошлаб, уни тергов қилиш, судда кўришга тайинлаш, ишни мазмунан судда кўриш ва натижаси бўйича суд ҳужжатлари (ҳукм, ажрим)ини қабул қилиш, ҳукм (ажрим, қарор)нинг ижро этилишини таъминлашни амалга оширишда жиной процессуал кафолатлар муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар бир жиноят иши бўйича одил судлов вазифаларини амалга оширилишини таъминлайдиган воситалар тарзидаги процессуал кафолатларни ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг кафолатларини, яъни улар ёрдамида процесс иштирокчилари ўз ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши мумкин бўлган кафолатларни фарқлаш лозим. Мазкур кафолатлар бир-бири билан узвий боғланган ҳамда уларни қарама-қарши қўйилиши, тенглаштирилиши мумкин эмас, улар жиноят процессида қонунийлик ҳуқуқий кафолатларининг тури ҳисобланади. Давлатнинг алоҳида шахсга нисбатан бўлган манфаати бир-бирига мувофиқ бўлмаслиги мумкин, лекин шахснинг у ёки бу манфаатларини қонуний хусусиятини белгилаб, давлат бу манфаатларнинг ҳимоясини таъминлайди. Кенг маънода қонунийликнинг кафолати бутун жиноят процесси, шунингдек процессуал шакл ҳисобланади. Шакл процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этган ҳолда процесс вазифаларига эришишни кафолатлашга қаратилгандир [7].

Таъкидлаш лозимки, жиноят процессуал кафолатлар жиноят процессида одил судловнинг қонунийлиги ва инсонпарварлигининг амалий тасдиғи бўлиб, қонунчиликда белгиланган шахс ҳуқуқларини жиноят ишларини юритишда амалда таъминланишидир.

Жиноят-процессуал қонунчиликнинг мақсадларига эришиш ва унинг олдида турган вазифаларни самарали ҳал этиш учун, биринчи навбатда, жиноят ишида иштирок этаётган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган махсус процессуал кафолатлар тизимини яратиш лозим [8].

Шундай қилиб, жиноят процесси иштирокчиларининг жиной процессуал кафолатлари остида иккита компонентнинг жамлигини тушуниш керак: биринчидан, бу жиноят процессуал қонуни билан белгиланган процессуал меъёрларнинг (ҳуқуқий воситаларнинг) жами (tizimi), яъни, жараён иштирокчисига ўз ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишга руҳсат бериш ёки унга қарши бўлган субъектларнинг хоҳиш-иродасидан қатъий назар, мажбуриятларнинг бажарилишига эришиш; иккинчидан, бу жиноят процессида иштирок этаётган барча иштирокчилар фаолиятида қонунга аниқ ва бир хил риоя этилишини таъминлаш учун ушбу ҳуқуқий воситаларни амалга оширишда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг юридик фаолияти [9].

Баъзи муаллифларнинг фикрича, жиной процессуал кафолатлар “ҳуқуқий воситалар тизими”дир. Бошқаси бу таърифни “ҳуқуқий воситалар” кўринишида кўради. Яна кимдир бу

“воситалар, усуллар ва шартлар” эканига амин. Тўртинчиси, жиноий процессуал кафолатлар остида “барча жиноий процессуал қонун”ни тушуниш керак деган хулосага келади.

Процессуал кафолатлар иккита асосий турга бўлинади: 1) шахнинг жиноят ишини юритиш соҳасидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кафолатлари (индивидуал ҳуқуқларнинг кафолатлари; айрим субъектларнинг ҳуқуқларининг кафолатлари; инсон ҳуқуқларининг кафолатлари); 2) одил судлов кафолатлари [10].

Шунингдек, Л.А.Кротова уларни жиноят процессуал меъёрлари доирасига кўра икки гуруҳга ажратади: 1) жиноят процессининг бутун тизимини, одил судлов асосий шартларини ўз ичига олган ёки процессуал тушунча ва институтлар (тамойиллар) изоҳларини ўз ичига олган нормаларда назарда тутилган процессуал кафолатлар. жиноят иши бўйича); 2) тартибга солувчи таъсир кўрсатадиган муайян типик процессуал вазиятларни қамраб оладиган қоидаларда назарда тутилган процессуал кафолатлар[11].

Шахс ҳуқуқларининг процессуал кафолатлари таърифига берилган назарий хулосаларига кўра процессуал кафолатлар қуйидаги элементларни ўз ичига олади: 1) жиноят процесси таърифи; 2) процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; 3) шахс ҳуқуқларини таъминлашдаги мансабдор шахсларнинг вазифалари.

Шундай қилиб, кафолатлар тизимига нисбатан фанда қарама-қарши фикрларга қарамай, биз яна бир бор таъкидлаймизки, процессуал кафолатлар - бу мустақил процессуал воситалар эмас, балки таъминлашнинг ҳуқуқий воситалари тизими. Бу тизимнинг ижтимоий аҳамияти шундан иборатки, у жиноят процессини юритаётган мансабдор шахсларни жиноят процессуал қонунда назарда тутилган шахс ҳуқуқларининг ҳақиқий таъминланишини эмас, балки декларативликни рад этишга, тортишиш марказини ўзгартиришга йўналтиради [12].

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, одил судловни тўғри амалга оширишда шахс ҳуқуқларининг процессуал кафолатлари шахс ҳуқуқ ва эркинликлари ўртасидаги узвий боғлиқликка қаратилган [13]. Бошқача қилиб айтганда, жиноий процессуал кафолатларнинг аҳамиятини фақат адолатни ҳимоя қилиш билан ёки фақат шахс манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлаб бўлмайди ва бир-бирига зид бўлиши мумкин эмас.

Иктибослар/Сноски/References:

1. www.lex.uz
2. Юридик атамалар қомусий луғати. /Масъул муҳаррир: Ҳ.Р.Раҳмонқулов; Адабий муҳаррир: Б.А.Эшпўлатов //— Т.: «Шарқ», 2003. – Б.374. (Encyclopedic Dictionary of Legal Terms. / Responsible editor: H.R.Rahmonkulov; Literary editor: B.A.Eshpulatov // - Т.: “Sharq”, 2003. - p.374)
3. Горский Г.Ф., Кокорев Л.Д., Элькинд П.С.Проблемы доказательств в советском уголовном процессе. Воронеж, 1978. С. 229–230 (Gorsky G.F., Kokorev L.D., Elkind P.S. Problems of evidence in the Soviet criminal process. Voronezh, 1978. - p. 229–230)
4. Гуценко К.Ф.Уголовный процесс / Под ред. К.Ф. Гуценко. М., 1996. С.19 (Gutsenko K.F. Criminal process / Ed. K.F. Gutsenko. М., 1996. p. 19)
5. Лупинская П.А.Уголовно-процессуальное право Российской Федерации / Под ред. П.А. Лупинской. М., 2005. С. 53 (Lupinskaya P.A. Criminal procedural law of the Russian Federation / Ed. P.A. Lupinskaya. М., 2005.-p. 53)
6. Францифорова С.Ю. Гарантии обеспечения прав личности в уголовном судопроизводстве // Известия Саратовского университета. 2008. Т. 8. Сер. Экономика. Управление. Право, вып. 1.-С.69. (Frantsiforova S.Yu. Guarantees of ensuring the rights of the individual in criminal proceedings // Izvestia of the Saratov University. 2008. Т. 8. Ser. Economy. Control. Right, no. 1.-p.69.)
7. Жиноят процесси. Дарслик (З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида). – Т.: ТДЮИ, 2008. - Б.24. (Criminal proceedings. Textbook (under the general editorship of Z.F. Inogomjanova). - Т.: TDYUİ, 2008. - p.24.)

8. Муродов Б.Б. Терговга қадар текширувда шахс ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. - 2020. - № 4 (47).- Б.75. (Murodov B.B. Ensuring the rights and freedoms of the individual in the pre-investigation investigation // Bulletin of the Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan. - 2020. - № 4 (47) .- p.75.)
9. Овчинников Ю. Г. Понятие уголовно-процессуальных гарантий // Вестник ЮУрГУ, № 19, 2011. – С.42 (Ovchinnikov Yu. G. The concept of criminal procedural guarantees // Bulletin of SUSU, No. 19, 2011. - p.42)
10. Овчинников Ю. Г. Классификация уголовно-процессуальных гарантий // Серия “Право”, выпуск 24. –С. 58. (Ovchinnikov Yu. G. Classification of criminal procedural guarantees // Series “Law”, issue 24. –p. 58.)
11. Кротова Л. А. Процессуальные гарантии достижения задач уголовного судопроизводства: дис.канд. юрид. наук. Казань, 1982. С. 106. (Krotova L.A. Procedural guarantees for achieving the objectives of criminal justice: dissertation of the candidate. jurid. sciences. Kazan, 1982. -p. 106.)
12. Овчинников Ю. Г. Система уголовно-процессуальных гарантий // Вестник ЮУрГУ, № 25, 2010. – С.56. (Ovchinnikov Yu. G. The system of criminal procedural guarantees // Bulletin of SUSU, No. 25, 2010. - p.56.)
13. Хидоятов Б. КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ УГОЛОВНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН //Review of law sciences. – 2018. – №. 4. (Khidoyatov B. CONCEPTUAL FRAMEWORK FOR THE DEVELOPMENT OF CRIMINAL LEGISLATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN // Review of law sciences. - 2018. - No.4.)

**ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ЖУРНАЛИ
6 ЖИЛД, 9 СОН**

**ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ
ИССЛЕДОВАНИЙ
ТОМ 6, НОМЕР 9**

**JOURNAL OF LAW
RESEARCH
VOLUME 6, ISSUE 9**

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000